

**Мавзу:Ўзбекистон Республикасининг
“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги
Конуни ва “Давлат белгиси” давлат унитар
корхонасининг коррупцияга қарши курашиш
бўйича ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.**

“ ... коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимиға айланиши шарт.

Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВНИНГ
2020 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ ОЛИЙ МАЖЛИСГА
МУРОЖААТНОМАСИДАН**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил
29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси**

**Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлишни кундалик
ҳаёт тарзимизга айлантириш**



Кадрларни танлаш ва ишга қабул
қилишнинг очик тизимини йўлга қўйиш.

Давлат хизматчиларини муентазам
ўқитиш ва билимини баҳолаб бориши
тизимини йўлга қўйиш.

Коррупция ўта оғир жиноят экани ва унга
нисбатан муросасиз бўлиш ғоясини
фарзандларимизга ёшлиқ давридан бошлаб
сингдиришимиз, уларга фақат ҳалол меҳнат
ва тадбиркорлик орқали даромад топишни
ўргатиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни

Қонун 34 моддадан иборат бўлиб, ушбу ҳужжатда қуидагилар қайд этилган:

- коррупция атамасининг тушунчаси;
- коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари;
- коррупцияга қарши курашувчи ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятни юксалтириш;
- коррупцияни олдини олишга доир чоратадбирлар;
- коррупцияга оид ҳукуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- коррупцияга қарши курашиш масаласида халқаро ҳамкорлик.



Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни (5-модда)

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупция – лотинча “corruption”

сўзидан олинган бўлиб, “емирилиш”,
“бузилиш” деган маъноларни
англатади.

Коррупция сўзининг ижтимоий кўриниши “ҳокимиятни
бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони
беради.

Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан
шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг
манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш
мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди
шунигдек бундай нафни қонунга хилоф равища
тақдим этиш.

(Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашии тўғрисида”ги
қонуни 3-моддаси).



КОРРУПЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ



Маиший коррупция – бу давлат хизматларини күрсатиш соҳасида фуқаролар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.



Бизнесдаги коррупция – бу тадбиркорлар ва давлат хизматчилари ўртасида вужудга келадиган муносабатлардаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.



Ҳокимиятдаги коррупция – бу давлат ҳокимият органларида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.

КОРРУПЦИЯНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ:

- демократия ва инсон ҳуқуқлари институтининг мустаҳкамланишига жиддий путур етказади;
- кенг жамоатчилиқда ҳокимиятга бўлган ишончни сўндиради;
- жамиятда тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларнинг бузилишига олиб келади;
- бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бузилиши, яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратади;
- давлат бюджетига жиддий заарар етказади *ва бошқалар*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИЩДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат
дастурлари тасдиқланди.** (Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши
курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни
қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-2752-сонли қарори ва 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон
Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПФ-5729-сонли Фармони);

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика
идоралараро комиссияси ташкил этилди (кейинчалик,
коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг
худудий кенгашлари)** (Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли
қарори, 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида
коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириши
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-
сонли Фармони);

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши
курашиш Агентлиги ташкил этилди**
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши
курашиш тизимини такомиллаштириши бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони).

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндағи
“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш
тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони**

- **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги (Агентлик)** ташкил этилди;
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика
идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро
комиссиялари **“Ўзбекистон Республикаси коррупцияга
қарши курашиш миллий кенгаши”** деб аталди ва унинг
ҳудудий кенгашлари ҳам қайта ташкил этилди;
- Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон
Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини
ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор
идоралар билан биргаликда, шу жумладан халқаро
ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, барча
давлат ва хўжалик бошқаруви органларида **коррупцияга
қарши ички назорат тизими “комплаенс-назорат”ни
босқичма-босқич жорий этиш белгиланди.**

Коррупцияга қарши **комплаенс-назорат** – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вактида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

ISO 37001:2016 (ISO-International Organization for Standardization - Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот") – бу корхонада коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишига хизмат қиласидан халқаро стандартдир.

“CERT International” МЧЖ менежмент тизимини сертификациялаш бўйича органи томонидан “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида сертификациялаш аудити муваффақиятли ўtkазилди ҳамда аудит натижасига кўра, корхона ISO 37001:2016 халқаро стандарт талабларини қўллашга мувофиқлиги тасдиқланди.



“Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”
2021 йилнинг 28 октябрида тасдиқланди.
(2021 йил 28 октябрда тасдиқланган)

Коррупцияга қарши курашиш
Сиёсатда - корхонада ҳалоллик
сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар
орасида ҳамда жамиятда коррупцияга
қарши курашиш маданияти даражасини
ошириш мақсадида ходимларнинг
юксак хулқ-атвор меъёрларига
содиқлигини, шунингдек корхона
ходимлари фаолиятида коррупциявий
ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва
уларни содир этишга йўл қўймасликка
доир позицияси ифодаланган.



**“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасининг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”
(2021 йил 28 октябрда тасдиқланган)**

Корхонада коррупцияга қарши курашиш сиёсатини жорий этишининг асосий мақсадлари:

- корхона ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички хужжатлар талабларини тушуниши ва уларга риоя этилишини таъминлаш;
- корхонада коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;
- корхонанинг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;
- корхона ходимлари фаолиятининг шаффоғлиги ва хулқ-атвор меъёрларига мувоғиқлигини таъминлаш;
- коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;
- ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, юксак хулқ-атвор меъёрларига содиқлигига эришиш;
- корхонада коррупциявий ҳуқуқбузарликни барвақт аниқлаш, олдини олиш ҳамда келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари



- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устиворлиги;
- очиқлик ва шаффоффлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларининг устиворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

(Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни З-модда).

МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ КҮРИНИШЛАРИ

(таъсир йўналиши бўйича)

Раҳномалик, фаворитизм-

ҳимоя остидаги айрим ходимларни яқин олиш ва қўллаб-куватлаш.

Непотизм (лот. peros жиян)-

қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник тамойиллар асосида давлат тузилмаларида ёхуд бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўриш.

Протекционизм (лот. кўмаклашиш) –

маълум бир шахсларни лавозимга тайинлашга кўмаклашиш.

Кронизм (инглиз. ҳамфикр, таниш-билишчилик, гуруҳбозлик) –

лавозимларни таниш-билишчилик асосида дўстларга бериш.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш (бошқариш) чора-тадбирлари:

- корхона раҳбари ходимларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш (исми, шарифи билан мурожаат этиш);
- иш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда ва иш вазифаларини бажаришда раҳбар ва ходимлар корхонанинг манфаатларини кўзлаб бошқариш;
- техник воситалар, аппарат ва жиҳозлардан фақат корхона манфаатларида фойдаланишни таъминлаш;
- миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатишни тақиқлаш;
- шахсий манфаатларни кўзлаб, корхона манфаатларига зарар етказадиган фаолият билан шуғулланишга мойил бўлган ходимларни аниқлаш;
- давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини тақиқлаш.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси бош директори томонидан 09.12.2021 йилда “Коррупция хавфини баҳолаш Услубиёти” тасдиқланган.



Коррупциявий хавфхатар, бу шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-харакатларни содир этиш эҳтимоли тушунилади.

“Контрагентларни текшириш бўйича Йўриқнома” корхона Бош директори томонидан 2022 йил **9 августда тасдиқланган.**

Контрагентларни текшириш бўйича Йўриқнома тендерлар, танловлар ўтказилиши доирасида ва таъминотчи билан шартнома тузилишида сотиб олиш жараёнлари иштирокчиларини мажбурий текшириш тартиби ва усулларини, асосий талабларини белгилайди.

Контрагент – корхона шартномавий муносабатда бўлган маҳаллий ёки чет эллик юридик, жисмоний шахс.

Ташаббускор – корхонанинг таркибий бўлинмасидаги товарни харид қилишга ариза расмийлаштирган ходими.

Ижрочи – маҳсулот маркетинг ва экспорти бошқармаси ходими, таъминот ва логистика бўлими ходими, маҳсулот импорти ва экспорти бўлими ходими, корхона ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи (буортмачи билан мулоқотга ва шартнома тузишга жавобгар) шартнома ижочиси, контрагент ҳақида маълумот йиғувчи, таҳлил қилувчи яъни текширишни бевосита амалга оширувчи ходим.

Корхона ишчи-ходимлари мөҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда ҳулқ-атворнинг қуидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозим:



- корхонанинг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;
- хушмуомалалик, эътиборлилик ва ҳушёрлик билан фуқароларда корхонага нисбатан ишонч ва хурмат ҳиссини үйғотиш;
- оиласида соғлом мухитни таъминлаб, оила аъзоларига доимий ғамхўр бўлиш, фарзандларида ватанпарварлик ва бошқа юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъий назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;
- жамиятда ахлоқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш.

**“Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси ишчи-ходимлари одоб-ахлоқи қоидалари” З-банди.
(2022 йил 25 октябрда тасдиқланган)**

Корхонада ички коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида ўз хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ва ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар беришнинг қуидаги қоидалари белгиланган:



- совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви ҳолатини ёки совға берувчига ҳеч қандай мажбуриятларни келтириб чиқармайди;
- совға ошкора берилади, совға бериш ҳолатининг ўзи ошкор этилмайди;
- совға фақат умумеътироф этилган байрамларда рухсат этилади. (*Тугилган кун, фарзанд тугилиши, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Халқаро хотин-қизлар куни”, “Янги йил” ва ҳакозо*);
- совға шоколад ёки қандолат маҳсулотлари, қуритилган мевалар, босма маҳсулотлар (*кундаликлар, календарлар*), гуллар ва бадиий, моддий ёки бошқа қийматни англатмайдиган бошқа нарсалар бўлиши мумкин;
- шубҳага йўл қўймаслик учун нақд пул маблағларини ҳамда уларнинг эквивалентларини (*корхона касаба уюшимаси қўймитасининг Уставида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно*), қимматли қоғозлар, қимматбаҳо металлар ва криптовалюта, нақд пул эквиваленти бўлган сертификатлар, алкогол ва тамаки маҳсулотларини бериш тақиқланади.
- совғанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) бараваридан ошмаслиги керак;
- корхонанинг бир ходими бошқа ходимга совға учун сарфлаган суммаси ҳар бир ҳолатда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 (бир) бараваридан ошмаслиги керак.

**“Совғалар ва вакиллик харажатлари тўғрисида”ги Низом 7.3-банди
(2022 йил 14 ноябрда тасдиқланган).**

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси бош директори томонидан
19.08.2022 йилда“Коррупцияий хабарларни алоқа каналлари орқали қабул
қилиш ва қайта ишлаш Тартиби” тасдиқланган

Ишонч телефони: (55) 503-05-22, (88) 148-14-22

Ички рақам: 11-11, 494

Электрон почта: komplaens@davlatbelgisi.uz

Телеграмм: t.me/davlat_belgisi

Веб-сайт: www.davlatbelgisi.uz